



## КОРХОНАЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ ҲАМДА УНИНГ МАЗМУНИ

**Астанақулов Олим Таштемирович -**

и.ф.д., проф., Ўзбекистон халқаро ислом академияси

[doi:\[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\\_iss6/a13\]\(https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\_iss6/a13\)](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a13) Ислом иқтисодиёти ва молияси кафедраси мудири

**Аннотация.** Мақолада корхоналар инвестиция фаолияти иқтисодий таҳлилиниң зарурати асосланган, инвестициялар тушунчасига оид илмий ёндашувлар ёритиб берилган, корхона инвестиция фаолиятининг ташқи муҳит тузилмалари билан ўзаро алоқадорлиги баён этилган. Унда саноат ишлаб чиқариш қўрсаткичлари таҳлил қилинган, иқтисодий тизимнинг мураккаб таркиби тузилмаси сифатида корхонага капитал қўйилмаларнинг самарали жойлаширилиши хусусиятлари ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** инвестициялар, иқтисодий таҳлил, корхона, саноат, иқтисодий тизим, иқтисодий ўсиш, фаолият тури.

### ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ И ЕГО СУЩНОСТЬ

**Астанақулов Олим Таштемирович -**

д.э.н., проф., Международная исламская академия Узбекистана

Заведующий кафедрой "Исламская экономика и финансы"

**Аннотация.** В статье обоснована необходимость экономического анализа инвестиционной деятельности предприятий, разъяснены научные подходы к понятию инвестиций, раскрыта взаимосвязь инвестиционной деятельности предприятия со структурами внешней среды. Анализированы показатели промышленного производства, выявлены особенности эффективного размещения капитала на предприятии как сложной структурной структуре экономической системы.

**Ключевые слова:** инвестиции, экономический анализ, предприятие, отрасль, экономическая система, экономический рост, вид деятельности.

### ECONOMIC ANALYSIS OF THE INVESTMENT ACTIVITY OF ENTERPRISES AND ITS ESSENCE

**Astanakulov Olim Tashtemirovich -**

DSc., Professor, Internation

al Islamic Academy of Uzbekistan

Head of "Islamic Economics and Finance" Department

**Annotation.** The article substantiates the need for an economic analysis of the investment activity of enterprises, explains scientific approaches to the concept of investment, reveals the relationship between the investment activity of an enterprise and the structures of the external environment. The indicators of industrial production are analyzed, the features of the effective allocation of capital at the enterprise as a complex structural structure of the economic system are revealed.

**Key words:** investment, economic analysis, enterprise, industry, economic system, economic growth, type of activity.

**Кириш.** Корхоналар инвестиция фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этса, таҳлил натижаларига асосланган ху-лосаларни шакллантириш орқали корхонанинг келгуси йилларга мўлжалланган стратегик қарорларни қабул қилишда фойдаланиш мумкин. Сифатли ўтказилган таҳлил натижасида корхона фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган турли даражадаги хавф-хатар ва рискларни олидан кўра олиш, аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан стратегик қарорлар қабул қилиш, рисклар даражасини камайтириш мақсадида турли фаолият йўналишлари бўйича диверсификацияларни амалга ошириш имкониятларини юзага келтиради. Бу тадбирлар эса охироқибат корхоналарни инқизорзли ҳолатларда кўриши мумкин бўлган турли талафотлар даражасини қисқартиришга ва банкрот бўлишнинг

олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам инвестицияларни жалб қилишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик механизmlарини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш кераклиги, шунингдек, энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларида чукур таркибий ислоҳотлар бошланганлиги, саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилаётганлигини, на-тижада, 2019 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга кўпайганлиги таъкид-

лаб ўтилган [1]. Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник-технологик янгилаш ва янгиларини ишга тушириш асосий фондлар ҳажмининг муттасил ошиб боришига олиб келади.

Иқтисодий таҳлил деганда, маълум бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг турли жабҳаларини ўзида мужассам этиб, яхлит бир тизимлаштирилган фундаментал ёндашув, услугиёт ва назарияларга таянган ҳолда амалга ошириладиган комплекс таҳлил ҳисобланиб, амалга оширилган таҳлил якунида субъект фаолиятига маълум бир қирралардан баҳо бериш имкониятини яратиш билан бир қаторда, келгуси даврга мўлжалланган қарорларга келишда таҳлил натижаларидан самарали фойдаланиш, тушунилади. Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш жараёни субъект фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган хўжалик алоқаларини юзага келтириб, мазкур алоқаларнинг ҳар бирида вужудга келиши мумкин бўлган муаммолар ва уларнинг оптимал ечимларини аниқлаш, мазкур жараённи таҳлил қилишда маҳсус методлар, усуллар, йўналишлар орқали мақсадли ёки алоҳида белгилаб олинган вазифаларни бажариш, келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоли кейсларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорларни шакллантиришга эришиш ҳисобланади. Мазкур жараёнда диалектик ёндашиш, реал воқеиликлар илмий тадқиқот усулларидан бўлган анализ ва синтез усууларининг бир бутунлигини таъминлашга эришиш муҳим ҳисобланади[9]. Корхонанинг келгуси даврларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишида унинг инвестиция фаолиятини узоқ мuddатли мақсадларга эришиш учун устувор йўналишлари белгилаб берилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** XX асрнинг 80-йилларига келиб, иқтисодий адабиётларда “инвестиция” атамаси социалистик тақрор ишлаб чиқариш жараёни таҳлили амалиётида фойдаланилмаган ва асосан, хорижлик иқтисодчи олимларнинг иқтисодий тадқиқотлардагина келтирилган.

Таъкидлаш лозимки, “инвестиция фаолияти” тушунчаси капитал қўйилмалар мазмунидан фарқ қилиб, инвестициядан кўра анча тор маънода қўлланилган. Хусусан, капитал қўйилмалар иқтисодий ресурсларнинг бошқа турлари: ахборот ресурслари, қимматли қоғозлар, товар мөддий захиралар ва инсон капиталига ҳам қўйилиши мумкин.

Инвестиция фаолияти билан боғлиқ тадқиқотларнинг ривожланишига XIX асрнинг хорижий иқтисодчи олимлари: Ж.Кейнс, Ж.Кларк, Р.Харрод, С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи кабилар [8; 12; 11] ҳам ўз муносабиҳ ҳиссасини қўшишган.

Инвестицияларга доир назарий қарашлар-

ни тадқиқ этиш давомида хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан унинг турли жиҳатлардан келиб чиқиб таърифлашга бўлган уринишлар амалга оширилганини кузатишимиз мумкин. Масалан, тақрор ишлаб чиқариш доиравий ҳаракатидаги асосий капитал қийматини тавсифловчи жараён сифатида асосий капитални тиклаш бўйича қилинган харажатларнинг қиймат ҳаракати билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни тушуниши, инвестицияларнинг иқтисодий категория сифатидаги талқини билан изоҳланган [10].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг бундай ёндашувларидан инвестицияларнинг жараён билан боғлиқ ёндашув сифатидаги мазмунни кенгроқ маънога эга эканлигини англаш қийин эмас. Чунки тақрор ишлаб чиқариш доиравий ҳаракатидаги қиймат ҳаракати инвестициялар нафақат асосий капиталнинг, балки айланма маблағларнинг ҳам кўпайишига олиб келишини кўрсатади. Шунингдек, инвестициялар кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш ҳаракати ўрганилган бўлиб, инвестиция даври босқичининг асосий капитал ва ишлаб чиқариш кучларига киритилиши ҳамда яқунланишига боғлиқ равишда ёндашилган.

“Инвестициялар” тушунчасига бўлган назарий қарашлардаги сарфли ёндашув мазмунан тақрор ишлаб чиқаришдаги асосий фондларга қилинган харажатлар, уларни кенгайтириш ва модернизациялаш билан бевосита боғлиқдир. Назарийчиларнинг мазкур ёндашув бўйича илгари сурган ғоялари амалий фаолият билан боғлиқ бўлиб, бу, асосан, маъмурий-буйруқбозлиқ иқтисодиёти ҳукм сурган хўжалик механизми шароитидагина амал қилган. Жамият тақрор ишлаб чиқариш жараёни товар-пул муносабатлари барқарорлигини таъминлаш муаммосининг кучайиши, маъмурий-буйруқбозлиқ тизимини бошқариш самарадорлигининг умумий пасайишига ва инвестицияларнинг ресурс ёндашувига мурожаат қилишга олиб келган. Ресурс ёндашув негизида инвестиция ресурслари назарияси ётади. Шу жиҳатдан, фикризича, инвестициялар тақрор ишлаб чиқариш асосий фондларида молиявий харажат сифатида юзага чиқади. Йккала ёндашувда ҳам камчиликлар мавжуд бўлиб, бу инвестиция фаолияти таҳлилининг объект сифатидаги турғун ҳолати билан чегараланади. Харажат ва ресурс ёндашув инвестицияларнинг бутун бир жараён сифатидаги тадқиқот доирасини ҳам чеклаб қўяди.

Классик иқтисодчилардан бўлган Ж.Кейнс томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда инвестициялар истеъмол қилинмаган даромаднинг бир қисми, яъни маълум даврдаги ишлаб чиқариш фаолияти натижасидаги мулкий қийматнинг жорий ўсиши сифатида эътироф этилади [8]. Замонавий иқтисодиёт назариясида

эса инвестициялар – реал капитални (машинаускуналар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқ.), товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун харажатларни амалга ошириш [6], деб таърифланган.


Хорижлик иқтисодчи олимлардан Лоренс Ж.Гитман ва Майкл Д.Жонклар: “Инвестиция – бу даромаднинг самарадорлиги ва капитал қиймати сақланишини кафолатлайдиган ёки унинг қийматини оширишга қаратилган капитални жойлаштириш усули” [7] деб талқин этадилар. Бошқа иқтисодчи олимлар эса: “Инвестициялар - бу капитални сақлаш ва ошириш мақсадидаги пуллик күйилмалардир”, – деб таъриф беришади[2]. Кейинги талқинларга назар соладиган бўлсанқ, аксарият иқтисодчи олимларнинг инвестициялар мазмунига бўлган ёндашувларида, уларнинг фикрларида кескин ўзгаришлар кузатилмайди.

Биз томонимиздан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида шундай холосага келинди, инвестицияларнинг бундай талқин қилиниши уларнинг иқтисодий мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди ва чекланган характерга эга. Зоро, инвестиция күйилма-

лари харажатлардангина иборат ҳисобланмайди ва ўзига хос мазмун-моҳиятига, шаклига эгадир.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур тадқиқотда бир қатор онлайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган инвестиция таҳлилига таалуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндашувлар тизимлаштирилди. Шунингдек, тадқиқот ишида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индуksия ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гурухлаш усуллари кўлланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Инвестиция фаолияти корхонада хўжалик юритишнинг ҳар қандай даражасида инвестицияларни самарали жойлаштириш, уларни амалга ошириш ва бошқаришдан иборат. Инвестиция фаолияти нафақат ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект, балки турли даражаси ва ўлчами, келажакдаги истиқбол тараққиёт стратегиясига қарамай, бутун бир иқтисодий тизимнинг муҳим шартларидан хисобланади. Бизнингча, мазкур жараёнларни давлат ҳамда корхоналар мисолида қўйида-гича тасвирилаш мумкин бўлади (1-расм).




**1 - расм. Иқтисодий тизимнинг барча даражаларида инвестиция фаолиятининг функционал жиҳатлари тавсифи**

Инвестиция фаолиятининг бундай мажмуавий ва чамбарчас боғланган таркибий тузилмаси ўз ўрнида корхона учун мураккаб иқтисодий тизим ҳисобланади. Шунинг учун замонавий иқтисодчи олимлар корхоналар иқтисодий фаолияти таҳлилини амалга ошириш жараёнида тизимли ёндашувдан фойдаланишади. Чунки корхона доирасида таҳлилни амалга ошириш жараёнида иқтисодий таҳлил методларидан, хўжалик юритиш фаолияти билан боғлиқ бўлган барча алоқаларни таҳлил қилишда фойдаланишади ва бутун бир иқтисодий тизимни таҳлил қилиш жараёни билан узвий боғлиқлигидан далолат беради. Шунингдек, бу жараён биз томонимиздан амалга оширилаётган корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилига ҳам узвий боғлиқ. Мазкур жараёнлар, биринчи навбатда, алоҳида омиллар таҳлили корхона таркибий тузилмаси бутун бир иқтисодий таҳлилини амалга ошириш

тартибини белгилайди. Буни микромуҳит шароитида корхона иқтисодий фаолиятининг кўргазмали шаклдаги тасвиридан кўриш мумкин бўлади (2-расм).

Ушбу таркибий тузилмалар барча юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, корхоналар билан ўзаро алоқадор бўлган давлат муассасаларидан иборат. Бу миллий иқтисодиётда реал ва молиявий секторлар ўзаро алоқадор ва мутаносиб эканлигини билдиради. Шунинг учун инвестиция фаолиятининг реал секторда амалга оширилиши жараёни молия секторига чамбарchas узвий боғлиқ, деган холосага келинади.

Иқтисодий тизимнинг мураккаб таркибий тузилмаси сифатида корхонага капитал куйилмаларни жойлаштириш ҳолати корхона инвестиция фаолияти таҳлилини амалга оширишнинг асосий мақсадларини ифодалайди (3-расм).



**2 – расм. Корхона инвестиция фаолиятининг ташқи мухит тузилмалари билан ўзаро алоқадорлиги**

Улар қуидагилар: келажақда корхона-нинг бозор қиймати ва ўз эгаларига келтиради-гандаромад манбай ҳажмини оширишга эри-шиш;

корхонага жалб этилган инвестиция сама-радорлигини ошириш;

инвестиция фаолияти таҳлилини амалга ошириш орқали корхонанинг ликвидлиги, тў-ловга қобиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашга эришиш ҳамда мазкур кўрсаткич-лар устидан доимий назоратни таъминлаш;


инвестиция лойҳаларининг соф жорий қийматини оширишга эришиш;

инвестицияларни молиялаштириш манба-

ларини оптималлаштириш;

инвестиция рискларини вақтида аниқлаш ва уларни самарали бошқариш юзасидан страте-гик қарорлар қабул қилиш кабилардир.

Умуман олганда, юқорида келтирилган вазифалардан келиб чиқиб, инвестиция фаолияти таҳлилини амалга ошириш жараёнини иккита жабҳада кўриш мумкин. Булар инвестиция фаолияти таҳлилини бошқариш ҳамда инвестиция жалб этувчанлик даражаси фаолиятини оширишdir. Мазкур йўналишлар корхона иқтисодий фаолияти ва инвестиция фаолияти таҳлили билан бир-бирига боғлиқ бўлган тизимларdir (4-расм).



**3 – расм. Иқтисодий тизимнинг мураккаб таркибий тузилмаси сифатида корхонага капитал қуйилмаларнинг самарали жойлаштирилиши**

Инвестиция фаолияти таҳлилиниг иккинчи йўналиши, аксинча, молиявий таҳлил билан боғлиқ бўлиб, корхона ташқи муҳит субъектларидан жалб этиладиган инвестицияларни таҳлил қилиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, буларга қимматбаҳо қофозлар, молиявий кредитлар ва суғурта компаниялари капитал қўйилмаларини кўрсатишимиш мумкин[3]. Ривожланган мамлакатларда ҳар қандай етакчи компания ўз эгалик хукуқини сақлаб қолиши ва уни бошқариши ҳамда мулкчилик муносабатларини мужассамлаштириш, яратилган муҳит ва шароитини яратиш, корхона инвестицияларни жалб этувчаник даражаси, қўшимча акциялар чиқариш, узоқ муддатли қимматбаҳо қофозларни бозор қийматидан қатъи назар сотиш жараёни натижаси IPO (Initial Public Offering) орқали белгиланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инвес-

тиция фаолиятини самарали амалга ошириш корхонанинг бутун бир молиявий ресурларининг ташкилий таркибий тузилмаси билан бевосита боғлиқ Шунингдек, молиявий ресурслар корхона ишлаб чиқариш жараёнини вақтингчалик тезлаштиради. Чунки, молиявий ресурлардан унумли фойдаланмаслик, ўз вақтида назоратнинг издан чиқиши ва инвестиция фаолияти таҳлилида юзага келаётган муаммолар нуқта - назаридан бартараф этмаслик корхонани оғир оқибатларга олиб келади. Агар корхона инвестиция фаолиятини амалга оширмаса, ўз ўрнида асосий ва айланма капиталнинг эскиришига олиб келади. Инвестиция фаолиятини сифат жиҳатдан амалга оширилиши нафақат асосий капиталнинг янгиланишига, балки истиқболли фойдага эришишга олиб келади. Натижада, корхонанинг узоқ муддатли истиқболли ривожланниши таъминланади.



**4-расм. Корхоналарда инвестиция фаолияти таҳлилини амалга ошириш йўналишлари**

Тадқиқот ишимизнинг обьекти бўлган саноат корхоналари фаолиятини тадқиқ этадиган бўлсак, ўтган йиллар давомида ЯИМда саноатнинг улуши кескин ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, 2010 йилда бу кўрсаткич 20,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб, қарийб 28,1 фоизга тенг бўлган. Албатта, бу саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши, уларга инвестицияларнинг жалб этилиши ўз таъсирини кўрсатган. Жумладан, 2010-2021 йилларда саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариш динамикасини таҳлил қиласидиган бўлсак, ўсиш ўртача 5,5 фоиз атрофида бўлишига эришилган. Бундан ташқари, саноат, хусусан, қора металлургия саноати корхоналари фаолиятига жалб этилган инвестициялар ҳажмини таҳлил қиласидиган бўлсак, бу кўрсаткич 2010 йилда

530,6 млрд. сўмга тенг бўлган бўлса, 2021 йилда қарийб 678,9 млрд. сўмдан ошиб кетди (1-жадвал).

Корхона ўз фойдасини самарали реинвестиция қилиш механизмини ишлаб чиқиши, келаҗакда ушбу корхонанинг иқтисодиётда ракобатбардошлигини оширади ва бўш турган маблағларнинг самарали айланисига олиб келади (2-жадвал).

Ушбу жадвалда саноат корхоналарининг иқтисодий фаолият турлари асосида соф фойдасининг ўзгариш динамикаси таҳлили келтирилган бўлиб, унга кўра, қайта ишлаш саноат корхоналарининг соф фойдаси 2014 йил 3439,8 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йил бу кўрсаткич 7176,9 млрд. сўмни ташкил этган.

## 1-жадвал

## Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариш қўрсаткичлари таҳлили

Йиллар	ЯИМда саноатнинг улуши, %да	Саноатда ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси, %да	Қора металлургия саноати корхоналарида инвестиция ҳажми , млн.сўм
2010	20,2	105,9	530644,9
2011	18,7	104,4	535033,4
2012	19,3	105,7	524805,1
2013	19,7	107,5	627248,0
2014	20,2	104,5	662169,6
2015	20,2	105,3	524772,3
2016	20,6	105,4	804273,6
2017	22,2	105,2	1529159,6
2018	26,5	110,8	4559413,1
2019	30,0	105,0	9011829,2
2020	28,5	100,7	6572241,3
2021	28,1*	106,2	6789693,4

\*<https://qalampir.uz/news/2021-2023-yillarda-yaimning-asosiy-ulushi-k-aysi-tarmok-larga-tugri-keladi-29356>

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тоғ-кон саноати корхоналарида 2017 йили 2612,4 млрд. сўм зарар кўрилган бўлса, 2021 йилда ушбу тармоқ корхоналарининг жами соғ фойдаси 118,3млрд. сўмни ташкил этган. Саноат

корхоналарининг умумий молиявий натижаларига кўра, 2014 йил 4259,5 млрд. сўм соғ фойда кўрилган бўлса, кейинги йилларда бу қўрсаткич 5 мартағача ортган.

## 2-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат корхоналарининг молиявий натижалари  
(соғ фойдаси, млрд.сўм)

	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	2643,3	2652,4	-2612,4	392,6	392,6	-224,8	118,3
Қайта ишлаш саноати	3645,1	4804,7	7950,5	20642,4	20642,4	5814,2	7176,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	160,6	-122,2	-727,9	-787,8	-787,8	67,3	332,3
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиққиндиларни йигиши ва утилизация қилиши саноати	11,3	24,2	209,9	-141,6	-141,6	10,9	11,2

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқотларга таянадиган бўлсак, саноат корхоналарининг соғ фойдаси ортиши билан уларнинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришга зарур бўлган маблағлар ортиши кузатилади. Умуман, корхоналарнинг мавжуд маблағларини (инвестициялар) йўналтириш объекти қўйидагилар хисобланади:

- янги ускуна, жиҳозлар, техника воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш;
- янги инновацион ғояларни молиялаштириш;
- янги бино-иншоотлар қуриш ва фойдаланишга топшириш;
- асосий фондларни таъмирлаш, янгилаш ва қайта қуроллантириш;
- маҳсулот ассортиментини кўпайтириш ва янги бозорларни забт этиш;
- кадрлар малакасини даврий равиша

ошириб бориш.

Саноатнинг қайта ишлаш корхоналари инвестиция фаолиятининг ўзига хос томони шундаки, ушбу корхоналарда инвестициялар реал инвестициялар шаклида амалга оширилади, инвестицияларнинг бошқа турлари орқали инвестиция фаолиятини молиялаштириш амалиётда кам учрайди[4]. Саноат корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштиришда инвестиция фаолияти ва унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиши мақсадга мувофиқ. Инвестиция фаолияти факат инвестицияларни амалга ошириш жараёнлари билан боғлиқ фаолият хисобланади. Инвестиция фаолияти учун нисбатан катта миқдордаги маблағларни сарфлаш, фойдага ёки бошқа фойдали самарага эга бўлишда муҳимдир.

Демак, Ўзбекистон иқтисодиётининг таракқиётини таъминлашда саноат корхоналарига

инвестицияларни йўналтириш мухим ҳисобланаб, энг аввало, иқтисодиётни интенсив ривожлантириш асосида ва янги техника-технологиялар жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш негизида ривожлантириш билан ифодаланади.

Мамлакатимизда саноат корхоналарининг инвестиция фаолиятини молиялаштиришда инвестиция манбалари (корхонанинг ўз маблағлари) етишмаслиги кузатилди. Корхоналарнинг молиявий натижаларининг ижобий эмаслиги замирида корхоналарнинг молиявий аҳволи ёмонлашади, натижада, улар инвестиция фаолиятини молиялаштиришда ташқи молиялаштириш манбаларига эҳтиёж сезади[5]. Саноат корхоналарининг инвестиция фаолиятини молиялаштиришга маблағларни жалб қилиш шартларидан бири инвестиция борасидаги ҳамкорликда орттирилган тажрибани ҳисобга олган ҳолда инвестицияларнинг табиий оқимини кўпайтириш ҳисобланади. Бунинг учун мамлакатда инвестиция муҳити жозибадорлиги ва корхоналарнинг ички инвестиция имкониятларини оширишнинг зарур чоралари кўрилиши лозим. Бу эса корхоналарнинг инвестиция фаоллигига ижобий таъсир кўрсатади ва инвестиция фаолиятини молиялаштиришда ўзига хос механизминг яратилишига замин яратади.

Саноат корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштиришда қўйидагиларга эътибор қаратиш керак:

- саноат корхоналарида (мисол учун тўқи-мачилик корхоналарида) инвестиция фаолиятини молиялаштиришда жалб этилган маблағлардан фойдаланиш механизмини яратиш;

- саноат корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштиришга маблағлар жалб қилишда анъанавий усуллар билан бирга, ноанъанавий усуллардан (мисол учун венчурли молиялаштириш) фойдаланишга кенг шароитлар яратиш;

- саноат корхоналарида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда инновацион воситалардан фойдаланиш ва уларни амалга ошириш.

Самарали ташкил этилган инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмигина корхонанинг юқори самарадорлигини таъминлади. Бу эса, корхонанинг олдига қўйган мақсадларига эришишга ва уларнинг амалга ошишига ёрдам беради. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, саноат корхоналари ва ташкилотлар сони

70,6 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисабатан 124,1 фоизга ошган. Жами саноат корхоналари ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили сифатида ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) саноатида 124,4 фоизга (жами саноатдаги улуши 94,6 фоиз), тог-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда 129,5 фоизга (жами саноатдаги улуши 3,3 фоиз), электр, буг, билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 119,8 фоизга (жами саноатдаги улуши 0,5 фоиз) сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 105,0 фоизга (жами саноатдаги улуши 1,6 фоиз) ўшибидир.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида алоҳида таъкидлаш мумкинки, хўжалик юритишининг барча даражаси биз томонимиздан амалга оширилган тадқиқотда тўлақонли ўрганилди. Маълумки, қатор иқтисодчи олимлар томонидан инвестицияларни алоҳида олинган таҳлили биз томонимиздан амалга оширилган инвестиция фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилини юқори тартибда тизимлаштиришимиз учун асос вазифасини ўтади.

Мазкур тадқиқотда илгари сурилган инвестиция фаолияти комплекс иқтисодий таҳлили корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилини ялпи баҳолаш ва барча бозор иштироқчилари субъектлари учун янги йўналишдаги истиқбол режаларини тузишга имконият яратади. Шунингдек, ташқи инвестиция фаолияти таҳлили корхона реал вазиятда қай йўсинда инвестиция жалб этувчанлик даражасини ошириши ва молиявий ресурслар оқимини самарали йўналтириш ҳамда инвестиция лойҳаларини амалга оширишда асқотади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда тежамли ишлаб чиқариш концепциясига асосланган корхоналар нафақат мамлакатда, балки жаҳонда ҳам тан олинган ирик корхоналардан ҳисобланади. Бу биз томонимиздан амалий жиҳатдан корхона қийматини ва нуфузини белгилаб берадиган омилли таҳлилларни амалга ошириш лозимлиги ҳозирги замон талабларига жавоб беради ҳамда ҳар қандай илмий тадқиқот ишларининг асосини ташкил этади. Шуни унутмаслик керакки, замонавий бозор иқтисодиётини шакллантираётган ва инновацион маҳсулот, хизматлар яратища кўрсатилган барча таҳлил усулларидан фойдаланиш тақозо этилади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://www.iza.uz>
2. Аскинадзи В.М. Инвестиции: учебник для вузов / В.М. Аскинадзи, В.Ф. Максимова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство “Юрайт”, 2020. – 385 с.
3. Astanakulov, O. (2020). National projects and government programmes: functional algorithm for evaluating and modelling using the Data Science methodology. Economic Annals-XXI, 183(5-6), 51-59. doi: <https://doi.org/10.21003/ea.V183-05>.
4. Astanakulov, O., Asatullaev, Kh., Saidaxmedova, N., & Batirova, N. (2021). The energy efficiency of the national economy assessment in terms of investment in green energy. Economic Annals-XXI, 189(5-6(1)), 26-34. doi: <https://doi.org/10.21003/ea.V189-03>

5. Astanakulov, O.T., Raximov, M.Y., Kalandarova, N.N. (2020). Analysis of The Investment Program of The Analytical Cycle at the Enterprise for the Development of the Company's Entrepreneurial Activity. *Academy of Entrepreneurship Journal*, Vol: 26 Issue: 3S, 1528-2686. (Scopus) Retrieved from <https://www.abacademies.org/articles/analysis-of-the-investment-program-of-the-analytical-cycle-at-the-enterprise-for-the-development-of-the-companys-entrepreneurial-a-9736.html>
6. Борисов Е.Ф. Хрестоматия по экономической теории. – М.: Юристъ, – 2000. – 536 с.
7. Гитман Л.Д., Джонк М.Д. Основы инвестирования. – М.: Дело, 1999. - 1008 с.
8. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости процента и денег. Классики экономической науки – XX век. – М.: Гелиос АРВ, 2020. - с. 229.
9. Любушкин Н.П. Экономический анализ: учеб. пособие – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012.
10. Подшиваленко Г.П., Киселева Н.В. Инвестиционная деятельность. – М.: Кнорус, 2005.
11. Темирова З.У., Темирболатова С.Х. Учебно-методическое пособие по дисциплине «История экономических учений» для студентов ОФО-ЗФО, обучающихся по программе подготовки 38.05.01 «Экономическая безопасность», специализация «Экономико-правовое обеспечение экономической безопасности». – Черкесск:БИЦ СевКавГГТА, 2018.
12. Харрод Р.Ф. К теории экономической динамики. Классики экономической мысли. - М.: Директ-Медиа, 2007.



## МАМЛАКАТИМИЗГА ХОРИЖЙИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА УЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Худайбердиев Равшан Уктаимжонович -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
хузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари"  
илмий -тадқиқот маркази таянч докторанти

doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a14](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a14)

**Аннотация:** Иқтисодиётнинг ҳозирги рақамли иқтисодиётга асосланган шароитида хорижий инвестицияларнинг ўзига хос ўрни бор албатта. Уларни мамлакатимизга жалб қилиш орқали мамлакатимизда янги ишлаб чиқариш обьектларини барпо этиш, хизмат кўрсатишни замонавийлаштириш ва бошқа соҳа – жабҳаларни салоҳиятини оширишда ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни самарали бошқаришни такомиллаштириш мұхим ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт, инвестиция, бевосита хорижий инвестиция, капитал, портфель, солиқ, амортизация, кредит, стратегия.

## ПУТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В НАШУ СТРАНУ И ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИХ УПРАВЛЕНИЯ

Худайбердиев Равшан Уктаимжонович -  
докторант научно-исследовательского центра  
«Научные основы и проблемы развитие экономики  
Узбекистана» при Ташкентском государственном  
экономическом университете

**Аннотация:** Иностранные инвестиции, безусловно, имеют свое место в современной экономике, основанной на цифровой экономике. Привлекая их в нашу страну, важно привлекать иностранные инвестиции и повышать эффективность их управления, строить новые производственные мощности в нашей стране, модернизировать сервисное обслуживание и улучшать инфраструктуру регионов, повышать потенциал других сфер.

**Ключевые слова:** экономика, инвестиции, прямые иностранные инвестиции, капитал, портфель, налог, амортизация, кредит, стратегия.

## WAYS TO ATTRACT FOREIGN INVESTMENT TO OUR COUNTRY AND IMPROVE THEIR EFFECTIVE MANAGEMENT

Khudaiberdiev Ravshan Uktamjonovich -  
at the Tashkent State University of Economics  
"Develop the economy of Uzbekistan scientific foundations  
and problems" research PhD student at the center

**Annotation:** Foreign investments certainly have their own place in the current economy based on the digital economy. By attracting them to our country, it is important to attract foreign investments and improve their effective management, to build new production facilities in our country, to modernize service delivery and to improve the infrastructure of the regions, to increase the potential of other areas.

**Key words:** economy, investment, foreign direct investment, capital, portfolio, tax, depreciation, credit, strategy.